

Ўзбекистон  
Республикаси  
Адлия вазирлигида  
2007 й. №  
Рўйхатта олинган



«Ўзбекистон шошилинч  
тиббий ёрдам врачлар  
ассоциацияси» съезд қарорига  
мувофик  
2007 йил 29 январь  
1-сонли баённомаси билан  
"Тасдиқланган"

**Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам  
врачлари Ассоциациясининг  
УСТАВИ**

Тошкент 2007

## 1. УМУМИЙ ХОЛАТЛАР

1.1. «Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам враchlари ассоциацияси» (келгусида «Ассоциация» деб аталади) медицина амалиёти ва фанини ривожлантиришга кўмаклашиш, шошилинч тиббий ёрдам соҳасида Ўзбекистон Республикаси ахолисининг сорлигини сақлаш ва муҳофаза қилишини яхшилаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, ўзини-ўзи бошқарадиган жамоат бирлашмасидир.

1.2. Ассоциация ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Жамоат бирлашмалар тўғрисида»ги, «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари, меъёрий хужжатлари ва мазкур Устав асосида амалга оширади.

1.3. Ўзбекистон Республикаси Ассоциациянинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас. Ассоциация эса Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар хисобланмайди. Ассоциациянинг хуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ҳамда Ассоциация Уставига мувофик белгиланади.

1.4. Ўз фаолияти мақсадларига эришиш учун Ассоциация ўз номидан шартномалар тузиш, мулкий ва шахсий номулкий хуқуқларга эга бўлиш, хўжалик ва ҳакамлик судларида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиш хуқуқига эга.

1.5. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан ҳамда ўз фаолият максадлари ва мулкининг максад йуналишларига мувофик, Ассоциация уз мулкига эгалик қиласи, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ассоциация мулки маъмурий тартибда мусодара қилинмайди. Ассоциация мулкининг давлат томонидан тортиб олинишига, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик хужжатларида кўзда тутилган ҳолатлар, шунингдек табиий оғат, авария, эпидемия ҳолатларидан ташқари йул кўйилмайди. Ассоциация ўз мустақил балансига эга бўлиб, тўла хўжалик хисоби, ўз харажатларини ўзи қоплаш, хайрия ва бошқа ташкилотлардан берилган маблағ, шу жумладан валюта билан қоплаш ва ўз-ўзини молиявий таъминлаш асосида иш юритади.

1.6. Ассоциация ўз номи, ўрнатилган тартибда руйхатга олинган думалок муҳр, бурчак штамп, бланк, шахсий фирма белгиси ва бошқа

реквизитларга эга.

1.7. Ассоциация тегишли лицензияга эга бўлганидан сўнг ўзининг харчорақда бир марта чиқариладиган журнали («Шошилинч тиббиёт ахборотномаси») ни нашр этади.

1.8. Ассоциация Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат руйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб юридик шахс мақомига эга бўлади.

1.9. Ассоциация Ўзбекистон Республикасининг барча худудларida ўзфаолиятини олиб бориши хукуқига эга.

1.10. Ассоциация белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларга ҳам таъсисчи бўлиш, Ўзбекистон худудида корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар ва бошқа таркибий бўлинмалар тузиш, хужалик бирлашмалари, ассоциацияларга аъзо бўлиш хукуқларига эга.

**1.10. Ассоциация манзилгохи: Тошкент шаҳар, Чилонзор туман,  
Фарход кўчаси 2 уй**

#### **НОМЛАНИШИ**

#### **«ЎЗБЕКИСТОН ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ВРАЧЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ»**

Узбек тилида - «Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам врачлари ассоциацияси»

Рус тилида - «Ассоциация врачей экстренной медицинской помощи Узбекистана»

#### **II. ФАОЛИЯТ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**2.1. Ассоциациянинг асосий мақсади:** медицина амалиёти ва фанини ривожлантиришга кўмаклашиш, Ўзбекистон Республикаси аҳолисига кўрсатиладиган шошилинч тиббий ёрдам сифатини яхшилаш.

**2.2. Ассоциация кўйидагиларни амалга оширади:**

- 1) Ассоциация аъзоларининг касбий хукуқларини, талабларини, шаъни, обру-эътиборини ҳимоя қилиш, уларни моддий рағбатлантириш;
- 2) тажриба алмашиш йули билан шошилинч тиббий ёрдам соҳасида халқаро талабларга жавоб берадиган мутахассисларни тайерлашни амалга оширишга кўмаклашиш;
- 3) тегишли лицензияга эга бўлганидан сўнг шошилинч тиббий ёрдам соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассисларни малака ошириш циклларида ўқишини амалга оширишга шароит яратиш;
- 4) шошилинч тиббий ёрдам хизматини ривожлантириш, юқори малакали мутахассисларни ўқитиш ва тайёрлаш учун халқаро

- фондларнинг грантларини жалб этиш;
- 5) халқаро илмий ва касбий ҳамкорлик масалалари бўйича доимий ахборот алмашувини амалга оширишда давлат ташкилотлари ва бошқалар билан ҳамкорлик қилиш, хукуматга қарашни бўтмаган халқаро ташкилотлар билан шошилинч тиббий ёрдам соҳасида алоқаларни ривожлантириш;
  - 6) Ўзбекистон Республикаси тугрисида ахборот-маълумот фондлари ва маълумотлар банклари яратиш, илмий касбий алоқалар масалалари бўйича конференциялар, симпозиумлар, семинарлар ўтказиш;
  - 7) хукумат, хокимиятлар ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси ва чет эл шаҳарлари ва худудлари ўртасидаги гуманитар, илмий-техник, касбий алоқалар, шунингдек шерикли муносабатлар масалалари бўйича халқаро контактларни ривожлантиришда ҳамкорлик қилиш, бу максадларда халқ дипломатиясини ривожлантиришда қатнашувчи ташкилотларнинг имкониятларидан фойдаланиш;
  - 8) Ассоциация фаолияти тугрисидаги ахборот билан оммавий ахборот воситаларида чиқиш;
  - 9) Ассоциациянинг Устав вазифаларини бажариш учун, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятларини амалга ошириш;
  - 10) хорижий сармоядорларни, халқаро жамгармаларни ва жамоат ташкилотлар илмий касбий алоқаларини ривожлантиришга қаратилган дастурлар, лойихалар ва буюртмаларни амалга оширишга жалб этиш;
  - 11) Ўзбекистон Республикаси банкларида хисоб ва валюта рақамларини очиш;
  - 12) Уставда белгиланган вазифаларини бажариш учун бинолар, иншоотлар, жихозлар, транспорт воситаларини сотиб олиш ва ижарага олиш;
  - 13) тиббий асбоб-ускуна, дорилар ва тиббиёт товарларни ишлаб чиқариш учун корхона, булимларни яратиш, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги тақиқланмаган бошқа фаолиятларни амалга ошириш;
  - 14) шошилинч тиббиёт соҳасида янги тиббий, технологияларини ривожлантириш;
  - 15) соглиқни саклаш соҳасида турли хил инвестиция лойихаларида

- қатнашиш;
- 16) тегишли лицензияга эга бўлганидан сўнг мустақил равиша таҳририй-нашириёт фаолият билан шуғулланиш;
  - 17) шошилинч тиббий ёрдам соҳаси бўйича тажриба урганинг ва тарғиб қилиш учун съезд, симпозиум ва конференциялар ташқиз қилиш ва шу жумладан чет эл мутасассисларни жалб қилиш;
  - 18) Ассоциация стипендияси ва мукофотлари таъсис этиш, турли халқаро шошилинч тиббий ёрдам ташкилотлари, давлат корхоналари бирлашмалари ва банк ташкилотлар билан алоқа боғлаш хуқукига эга;



### III. АССОЦИАЦИЯ АЪЗОЛАРИ

3.1. Ассоциацияга Ўзбекистон Республикаси шошилинч тиббий ёрдам тизимида фаолият кўрсатаётган ва бошқа мутахассис-врачлар, шунингдек давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шифокорлар ёшидан катъий назар ихтиёрий равиша ушбу Устав талабларини тан олган холда аъзо бўлишлари мумкин.

3.2. Таъсисчилар, аъзолар ассоциация субъектлари деб атади;  
- таъсис шартномасига қўл қўйган ташкилот ва Ўзбекистон Республикаси фуқаролари таъсисчилар хисобланади;

3.3. Ассоциацияга қабул қилиш Ассоциация кенгаши, ҳамда худудий бўлимлардаги (Қорақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят бўлимлари) бўлим кенгашлари орқали амалга оширилади.

3.4. Худудий бўлимлар (Корақалпогистон Республикаси, Тошкент шаҳри, вилоят бўлимлари), юридик шахс ва хўжалик юритувчи мустақил субъект бўлиб, ўз хисоб рақамига эга ва Ассоциация бошқарувида иштироқ қиласиди.

3.5. Ассоциация субъектлари кириш ва йиلىк бадаллари тўлайдилар. Бадал микдори ва уни тўлаш қоидаларини Ассоциациянинг съездидаги тасдиқланади.

3.6. Ассоциациядаги аъзолик, аъзонинг шахсий аризаси ёки Бошқарув кенгаши ташаббуси билан тугатилиши мумкин. Ассоциациядаги аъзоликнинг тугатилиш муддати ариза топширилган ёки тегишли қарор қабул қилинган кун хисобланади (Бошқарув кенгашининг таркибининг кўпчилик овози билан).

3.7. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти бўйича ассоциация

аъзоликка қабул қилишни бевосита бошқарув кенгашининг ишчи органи томонидан амалга оширилади. Бошқа худутларда эса ассоциацияяга аъзо булиши ассоциациянинг худудий бўлимлари орқали амалга оширилади ва Ассоциациянинг бошқарув кенгаси қарори билан тасдиқланади. Бунда, ассоциациянинг худудий бўлимларида аъзолик бадали кириш бўйича тушган маблагнинг 50% олиб қолинади, ва қолган 50% эса Ассоциацияни асосий хисоб рақамига ўтказилади.



#### **IV. АССОЦИАЦИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

4.1. Ассоциация аъзолари куйидаги хукукларига эга;

- таъсис хужжатларида кўзда тутилган тартибда Ассоциация ишлари бошқарувида иштироқ этиш;

- мазкур Уставда кўзда тутилган хажм ва шаклда ассоциация фаолиятида иштироқ этиш;

- исталган пайтда ўрнатилган тартибда Ассоциация хужжатлари билан танишиши;

- Ассоциация йигилишида ва бошқа органларида мухокамада иштироқ этиб, Ассоциация фаолияти масалалари бўйича уларни шу хуқуқ доираси ичida таклифлар киритиши;

- Ассоциация ўтказадиган барча съезд, симпозиум ва бошқа тадбирларда имтиёзли иштироқ этиш;

- Ассоциация нашрида мақолалар билан иштироқ этиш;

4.2. Ассоциация аъзоларининг мажбуриятлари:

Ассоциация аъзолари куйидагиларга риоя килишлари зарур:

- таъсис хужжатлари қоидаларига амал қилиш;

- Ассоциацияга нисбатан белгиланган тартибда олинган мажбуриятларини бажариш;

- Ассоциация фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш;

- ўз вақтида аъзолик бадалларини тўлаш;

#### **V. АССОЦИАЦИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ**

5.1. Бошқарув ва ижро органлари куйидагилар:

- Ассоциация съезди;

- Ассоциация райиси;

- Ассоциациянинг бошқарув кенгаси ва унинг Ижрочи Директори;

- Ассоциация худудий (вилоят) бўлимлари;

- тафтиш комиссияси;
- 5.2. Ассоциациянинг олий органи съезд хисобланади. Съезд заруратга қараб 4 йилда бир марта ўтказилади. Съездга тегишли ваколатлар:
- Ассоциацияни барпо этади ва тугатади. Уставни қабул қиласи. Унга ўзгартириш ва қўшимчадар киритади;
  - тўрт йил муддатга Ассоциация райисини, бошқарув кенгаши ва ижрои директорини сайлайди;
  - тўрт йил муддатга тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди;
  - Ассоциация фаолияти хақида хисобот тинглайди;
  - Ассоциация режалари ва уларнинг бажарилиши тўгрисидаги хисоботларни тасдиқлаш бўйича қарор умумий овоз берувчиларнинг 2/3 қисми тасдиқлаганда қабул қилинади;
  - бошқа масалалар юзасидан қарорлар оддий кўпчилик овоз билаи қабул қилинади;
  - съезд ишида Ассоциация аъзолари томонидан сайланган ваъкиллар иштироқ этади;
  - ҳар бир вакил съездда қарор қабул қиласидиган бир овозга эга бўлади;
  - Съезд сайланган вакилларнинг 2/3 киши иштирок этсагина у ваколатли саналади;
- 5.3. Ассоциациянинг бошқарув кенгаши:
- Ассоциациянинг тўла ваколатли органи хисобланади;
  - съездлар орасидаги даврда жорий вазифаларни бажаради, қарорларнинг бажарилишини ташкил қиласи;
  - Ассоциацияга аъзоларини қабул қиласи ва чиқаради
  - Ассоциация съездлари ва конференцияларини тайёрлашни ташкил қиласи;
  - Бошқарув кенгаши йигилиши заруриятга қараб камида ҳар чоракда 1 марта чақирилади;
  - Бошқарув кенгаши аъзолари камида 2/3 киши тўпланганда ваколатли хисобланади;
  - РШТЁИМ ва унинг вилоят филиаллари директорлари лавозими бўйича бошқарув кенгашига аъзо бўладилар;
- 5.4. Ассоциация раиси:
- Ассоциация номидан вакиллик қиласи ва 4 йилга сайланади;

- Ассоциация Устави асосида фаолият кўрсатади;
  - Съезд карорларини бажарилишини таъминлайди;
  - Штатлар жадвалини тасдиқлайди;
  - Съезд томонидан ўзига топширилган бошқа вазифаларни бажаради;
  - Кенгашни ишчи органи фаолиятига раҳбарлик қиласди.
- 5.5. Ижрочи директор (раис ўринбосари), бошқарув кенгашини ишчи органининг раҳбари хисобланади;
- Ижрочи директор Ассоциация мулкининг ва маблағларининг ваколатли эгаси деб ҳисобланади;
  - Ассоциация бошқарув кенгashi номидан ишонч коғозисиз иш кўради ва кредитларни бошқаради;
  - Кенгашни ишчи органи фаолиятига раҳбарлик қиласди;
  - Раис йўқ бўлган холларда унинг вазифасини бажариш ижрочи директорга ўтади;
- 5.6. Тафтиш комиссияси аъзолари съезд томонидан тўрт йил муддатга 5 кишидан иборат этиб сайланади. Комиссия уз таркибида раис ва раис ўринбосарлари сайлади;
- Тафтиш комиссиясининг бажарадиган ишлари:
- Ижрочи директор томонидан ассоциация қарорларининг бажарилишини назорат қиласди;
- Молиявий фаолиятнинг самарали олиб боришини, улардан тўғри фойдаланишни ва хисоб-китоб ишларини тўғри олиб боришини текширади.
- 5.7. Ассоциациянинг худудий бўлимлари Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги РШТЁИМнинг филиаллари қошида ташкил қилинади. Худудий бўлимга лавозими бўйича РШТЁИМ филиалининг директори раҳбарлик қиласди, унинг ишчи органига котиб ва бухгалтер киради.

## **VI. АССОЦИАЦИЯ МУЛКИ ВА ПУЛ МАБЛАГЛАРИ**

- 6.1. Ассоциация ўзининг Уставида кўрсатилган фаолиятни моддий жихатдан таъминлаш учун, ўз балансида бинолар, иншоатлар, тураг-жой фонди, жихоз, инвентар, пул, мулк маблағлари ва бошқалардан фойдаланади;
- 6.2. Уставда кўрсатилган вазифаларга мувофик Ассоциация маблағи хисобидан ташкил этилган нашриётлар, бошқа корхоналар, хайрия муассалари унинг мулки хисобланади;



- 6.3. Ассоциациянинг пул маблағлари ихтиёрий бадаллар, аъзолик бадаллари ва хайриялар, кургазма, лекция, спорт ва бошқа тадбирлар ўтказилидан, лотарёядан, нашрлик, хўжалик, ишлаб чиқариш фаолиятидан тушадиган тақиқламаган бошқа тушумлардан шаклланади;
- 6.4. Ассоциация фукаролар, ташкилот, корхона, фирмалардан хайрия ёрдамиҳари олиши мумкин;
- 6.5. Жамият таркибий бўлимлари ўртасида тушган пулларини тақсимлаш миқдори ва механизми ижрочи директор томонидан аниқланади;
- 6.6. Ассоциация Устав вазифаларини бажариш мақсадларида ўхшаҳ жамиятлар ва ташкилотлар билан кооперацияланиш, шунингдек корхона ва хўжалик ҳисобдаги ташкилотлар билан шартнома тузиш мумкин;

## **VII. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА КЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

- 7.1. Уставга ўзгартеришлар ва кўшимчалар съезд ёки бошқарув кенгashi карори билан киритилиши мумкин.
- 7.2. Уставга киритилган хар кандай ўзгартеришлар ва кўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатдан ўтиши шарт.

## **VIII. ХИСОБ-КИТОБ ОЛИБ БОРИШ ВА ХИСОБОТ БЕРИШ ТАРТИБИ**

- 8.1. Ассоциация ўз фаолияти натижаларининг хисоб-китобини олиб боради ва ўрнатилган тартибда статистика хамда солик идораларига тегишли хисоботларни тақдим этади.

## **IX. АССОЦИАЦИЯ ФАОЛИЯТИНИНГ ТУГАТИЛИШИ ТАРТИБИ**

- 9.1. Жамият фаолиятининг тугатилиши фақат Ўзбекистон Республикаси қонуиларида кўрсатилган асос ва тартибда амалга оширилади;
- 9.2. Ассоциация фаолиятини тугатиш тўгрисидаги ташаббус билан қуйидагилар чиқиши мумкин:
  - Ассоциация аъзолари таркибининг 2/3 қисми ассоциация раҳбариятига (съезд, бошқарув кенгashi) ёзма мурожаат қилиш йули билан, ўз таклифларини асослаган ҳолда;
  - бундай таклиф тушган тақдирда, бошқарув кенгашининг раиси 2 ойлик

муддатда уни Ассоциациянинг навбатдан ташқари съездидаги кўриб чиққидишини таъминлаши лозим;

- съезд тугатиш комиссияси таркибини тасдиқлайди.

9.3. Ассоциация фаолияти суд карори билан ҳам тугатилиш мумкин.

9.4. Ассоциация фаолияти съезд қарори билан тугатилганидан кейин Ассоциация мулки унинг Уставида қўзланган мақсадларига йуналтирилади.



Устав 2007 йилнинг 29 январида ассоциациянинг таъсисчилари съезди қарори билан тасдиқланди.

Съезд котиби

  
ШУКУРОВ БОБИР ИБРАГИМОВИЧ  
Шукуроб Бобур Ибрагимовиҷ